

**«New Life sug‘urta kompaniyasi» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома**

**ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

«New Life sug‘urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2023 йил 09 январдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 02 февраль куни, Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 47 - уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:30 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:55 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 29 январь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: info@nli.uz.

**Йиғилиш кун тартиби:**

- 1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
- 2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ мажбурий ташқи аудитни ўтказиш мақсадида 2022 йил учун аудиторлик компаниясини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.*

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Жамият маъмурий биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: (+998 71) 203-99-77

**Кузатув кенгаши**